# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 25 ноябрь, № 238 (6932) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ



**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 22 — 24 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Учрашувларда йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш, вазирликлар ва идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 60 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Шундан 4,5 миллиард доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари 24 ноябрь куни БМТ собиқ Бош котиби, Халқаро Олимпия қўмитасининг этика комиссияси раиси Пан Ги Мунни қабул қилди.

Самимий ва очиқ руҳда ўтган мулоқотда давлатимиз раҳбари Пан Ги Мун БМТ Бош котиби лавозимида фаолият юритган даврда Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигида самарали лойиҳалар амалга оширилганини ёдга олди.

Пан Ги Мун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифини юқори баҳолаб, икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлик алоқалари ривожида янги босқични бошлаб берганини қайд этди.

Ўзбекистоннинг ташаббуслари Марказий Осиёни барқарор ва юксак иқтисодий ривожланган минтақага айлантиришда муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

Пан Ги Мун Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн билан учрашди.

Спикер давлатимиз раҳбарини самимий қутлар экан, Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик муносабатларни янада мустаҳкамлаш кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Жорий йил 26 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, мазкур йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтириш борасида муҳим келишувларга эришилган эди. Ўша учрашувнинг мантиқий давоми бўлган бугунги музокаралар ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтди.

Президентимиз Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси пойтахти мэриясига ташриф буюрди. Президентимизни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмонлар китобига ўзининг тилакларини ёзиб қолдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни дўстлик ришталари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам боғлаб туриши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банклари иштирокида иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилган ва оширилмоқда. Расмий Сеул мамлакатимизда саноат ва инфратузилмани диверсификация ва модернизация қилишга доир устувор дастурларни амалга оширишда анъанавий етакчи инвестицион ва технологик шерик ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 3 июль куни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сунни Тошкентда қабул қилиб, биродарлашган шаҳарлар — Тошкент ва Сеул ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилган эди.

Бугунги учрашувда замонавий технологиялар асосида шаҳарни бошқариш, транспорт тизими ва уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича самарали тизимни ташкил этиш соҳасида Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳарсозлик, меъморчилик ва ландшафт дизайни соҳаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Сеул шаҳрининг фахрий фуқароси унвонини беришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланишида Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари халқларимиз ўртасидаги дўстлик рамзи сифатида Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Сеул номини бериш таклифини билдирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Сеул шаҳри фахрий фуқароси унвони тантанали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳамкорлиги сўнгги йилларда кенг кўлам касб этди. Давлатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи давомида савдо, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳаларда келишувларга эришилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашувда эришилган мазкур келишувларни амалиётга изчил татбиқ этиш, янги истиқболли лойиҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Суҳбат чоғида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ҳамроҳлигида Сеул шаҳридаги Жанубий Корея Миллий музейига ташриф буюрди.

Мазкур музей Корея Республикасининг энг йирик тарихий ва маданий марказларидан бири ҳисобланади. 1945 йил асос солинган музей учун 2005 йил ўзига хос меъморий ечимга эга замонавий бино барпо этилган. Осиёда энг йирик, дея эътироф этиладиган ушбу музей кўлами жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда туради. Музейда 220 мингдан ортиқ тарихий, бадиий, археологик ва бошқа экспонатлар тўпланган.

Президентимиз музей экспонатлари билан танишди. Маданий-гуманитар соҳаларда давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан келишиб олинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф сиёсий, иқтисодий натижалари билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррар.

*Абу Бакир ЎРОЗОВ,*
*ЎзА махсус мухбири.*
Тошкент — Сеул — Тошкент

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

БИЗ ВА ЖАҲОН

## Ўзбекистон – Корея Президентининг Евросиё мамлакатларига нисбатан ташқи сиёсатининг марказида

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуига айланди.**

Юртбошимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мазкур мамлакат йирик телевизион, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари диққат-эътиборида бўлиб турибди. Ташриф дастури доирасидаги тадбирлар миллий телеканалларда тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Шунингдек, таҳлилий телекўрсатувлар ҳамда мақолалар тайёрланмоқда.

Корейс журналистлари ўз чиқишларида икки давлат етакчилари ўртасидаги ишонч ва ҳурмат бекиёс даражада эканлигига алоҳида урғу беришаяпти. Давлат ташрифи давомида ўзаро ҳамкорликнинг салмоқли соҳалари бўйича муҳим шартнома ҳамда келишувлар имзоланди. Экспертларнинг фикрича, мазкур ташриф Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатларни янги сифат босқичига кўтаради.

Ҳамкасбларимиз таҳлилий материалларида Жанубий Корея Президенти Ўзбекистон билан муносабатларга стратегик аҳамият қаратаётганини таъкидлаб, "Ўзбекистон — Корея Республикаси Президентининг Евросиё мамлакатларига нисбатан ташқи сиёсатининг марказида" дея эътироф этишмоқда.

Мутахассислар яна шунга ҳам эътибор беришаяптики, Ўзбекистон минтақадаги ишончли ҳамкор сифатида ҳам корейс сармоядорлари учун муҳим манзил саналади. Давлат ташрифи доирасида савдо-иқтисодий соҳага оид салмоқли ҳужжатлар имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айни шу жиҳатлар "Тонг бокиралиги ўлкаси"даги етакчи ахборот агентликларидан бири саналган **"Yonhap News"** томонидан эълон қилинган мақолаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, материалларда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларнинг келажакдаги ривожини таъминловчи чора-тадбирларнинг кучайтирилишини ҳамда республика унинг Евросиё мамлакатлари билан муносабатларига боғлиқ янги ташқи сиёсатининг марказида бўлишини таъкидлагани айтиб ўтилган.

Янги ташқи сиёсат доирасида Жанубий Корея Евросиё давлатлари билан турли соҳаларда, хусусан, иқтисодий, транспорт ва энергетика жабҳасида қўшма лойиҳалар таъминланиши бўйича Иқтисодий ҳамкорлик қўмитасини тузишни режалаштирмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида мазкур режаларнинг марказида туради. "Марказий Осиёдаги барча давлатлар орасидан биринчи бўлиб Ўзбекистон Президентини Корея Республикасига ташриф буюриш учун таклиф қилдим ҳамда мен икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлашда давом этаман", дея Мун Чжэ Иннинг сўзларини келтирган "Yonhap News".

**"The Korea Times"** — мамлакатда инглиз тилида фаолият юритадиган энг етакчи нашрлардан бири саналиб, у Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи бўйича бир қанча мақолалар эълон қилди. Чунончи, "Корея Республикаси — Ўзбекистон: барча йўналиш бўйича алоқаларнинг кенгайиши" сарлавҳали материалда ёзилишича, икки давлат Президентлари Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар. Мазкур ҳужжатга кўра, ҳар икки мамлакат ҳамкорликни ривожлантириш учун чоралар кўради. Иқтисодиёт ҳамда савдо-сотиқ, шунингдек, маданият соҳасида ҳам алоқаларни кенгайтиришга аҳамият қаратилади.

Ушбу газетадаги "Корея Республикаси — Ўзбекистон: сармоявий ҳамкорликнинг юксак жиҳатлари" номли мақолада эса муаллиф "Корея Республикаси бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Йирик энергетика ресурслари, зарур хом ашё, юқори малакали ва рақобатдош кадрлари билан Ўзбекистон минтақада катта нуфузга эга", деб ёзади.

Таъкидланишича, Жанубий Корея саноатининг Ўзбекистонга жадал кириб бориши нафақат 60 миллионлик Марказий Осиё, балки 300 миллионлик аҳолига эга МДҲ мамлакатлари бозорига чиқишга кенг имкон яратади. Хитой ҳамда Ҳиндистоннинг йирик истеъмол бозори ҳам бу мамлакатга жуда яқин.

(Давоми 2-бетда).

# ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган. Давлат раҳбарларининг мулоқотлари, турли даражадаги делегациялар ташрифи мунтазамлик касб этган.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳада изчил ривожланмоқда. 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25-йили муҳим воқеаларга бой бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик сиёсати самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада фаоллашди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. 16-17 сентябрда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми бўлди.

Ушбу тарихий сана йил бўйи нишонланди, дейиш мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари шу йилнинг ўзида олти маротаба учрашди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлиси, бир неча бизнес форумлари, миллий маҳсулотлар кўргазмалари ўтказилди. Ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. Тошкент ва Олмаота ўртасида тезюрар поезд, шаҳарлараро автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Азалдан қавму қариндош бўлган халқларимиз орасида борди-келди кўпайди. Буларнинг барчаси икки мамлакат ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик юксак даражада эканидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

# Халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи

*Мамлакатимиз фуқаролари учун Конституциянинг аҳамияти қандай? Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нечоғли таъминланмоқда? "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги тадқиқот иштирокчилари айнан шу каби саволларга жавоб беришди.*

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Унинг натижалари шуни кўрсатдики, юртдошларимиз учун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни тарихий, сиёсий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга умумхалқ байрамдир. Улар Асосий Қонунимизнинг 25 йиллигини фахр-ифтихор туйғуси билан кутиб олмоқда. Респондентлар наздида, Конституциямиз қабул қилиниши билан Ўзбекистон халқи ўз келажаги, мамлакатнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар-маънавий тараққиётининг моҳияти, мазмуни ва мақсадлари, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини белгилаб олди.

Фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 90,5 фоизи Асосий Қонунимизни "Мамлакатдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бош ҳужжат", деб ҳисоблайди, унда суверен давлат ҳамда адолатли жамиятни шакллантиришнинг фундаментал асослари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга, демократия ҳамда ижтимоий адолат қадриятларига, осойишталик ва миллатлараро тотувликни таъминлашга содиқлик мустаҳкамлаб қўйилган. Юртдошларимиз тасаввурида Конституция миллий давлатчилигимизнинг бош рамзларидан биридир. Унинг ғоялари ҳамда қоидалари халқимизнинг кўп асрлик тажрибаси ва маънавий қадриятларини, бой тарихий ҳуқуқий меросини акс эттиради.

Сўровда қатнашганларнинг мутлақ кўпчилиги (86,3 фоиз) фикрича, Асосий Қонун нафақат бугунги давр талабларига жавоб беради, айни пайтда у истиқболга ҳам мўлжаллангандир.

(Давоми 2-бетда).

